



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 6 июль, шанба

№53 (11.441)

Эркин нарҳда сотилади

ХИРМОН ДОНГА ТЎЛМОҚДА

ОҚҚУРҒОН туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги деҳқонлари учун бу йил чинакам галла йили бўлди. Ҳозирги кунгача ҳосили ўриб-янчиб олинган 231 гектар майдон ўртача 55 центнердан дон тўкди. Бу туманда энг юқори кўрсаткичдир. Бугунгача уюлган жами галла хирмони 1270 тоннадан ошди.

Хўжалик галлакорлари тузилган шартномага мувофиқ давлатга 1148 тонна дон топширишлари керак эди. Амалда эса режа 102 фоизга адо этилди.

Аммо бу ҳаммаси эмас. Хўжаликда ҳали 169 гектар ўрилмаган галла майдони бор. Раҳбар ва мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда бу майдондан камида яна 930 тонна дон йиғиштириб олинади. Шунингдек олиб, улар давлатга қўшимча яна 100 тонна дон топшириш ва бу борадаги режани 110 фоиз қилиб бажаришни мўлжаллаб қўйишди.



СУРАТЛАРДА: Бекобод туманидаги Улғабек номли хўжалик бош ҳосилоти Абдумал Ҳалилов бош пудратчи Тожибой Жўраевага қарашли майдондаги ҳосил чўғини



Галла — 2002

кўздан кечирмоқда; пудратчи Икром Жўраев бу йил гектаридан 52 центнердан хирмон кўтарди.

Еркибой БОТИРОВ олган сурат.

«ЎЗБЕК ҚОҒОЗИ»НИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Банклар уюшмасининг молиявий хизматлар марказида «Ўзбек қоғози» очиқ акциядорлик жамиятининг инвестиция имкониятлари тақдими бўлиб ўтди. Тақдиротда хориж инвесторларига жами қиймати 3 миллион 497 минг АҚШ доллари миқдоридаги 25 фоиз акциялар тақлиф этилди.

— Ўзбекистон қоғоз ишлаб чиқариш қувватига ва малакали меҳнат заҳираларига эга давлат ҳисобланади, — деди компания раҳбари Шухрат Умаров «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Шунингдек, бизда катта хом ашё заҳиралари ҳам мавжуд. «Ўзбекқоғоз-саноат» уюшмасига кирувчи 19 та корхона ичида «Ўзбек қоғози» акциядорлик жамияти салмоқли ўринни эгаллайди. Бу ерда айни кунда ёзув, муқова, ўров қоғозлари ҳамда картонлар, дафтарлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ш. Умаровнинг таъкидлашича, толали плиталар тайёрлаш йўлга қўйилгандан кейин корхона чиқитиш ишлаб чиқаришга эришди. Мавжуд қувватлар билан йилга 30 минг тонна қоғоз, жумладан, 12 минг тонна босма қоғози, 7 минг тонна картон, 5 миллион дона картон қутилар ишлаб чиқариш мумкин.

«Ўзбек қоғози»нинг Янгийўлдаги филиали бўлмиш целлюлоза-қоғоз фабрикаси қисқа муддатларда куриб битирилди. У йилга пахта линтидан 20 минг тонна целлюлоза ва 12 минг тонна юқори сифатли қоғоз ишлаб чиқаради. Лойиҳа Франциянинг «Сосете Женарал» банки ва Ўзбекистон Ташқи Иқтисодий фаолият Миллий банки кредитлари ҳисобига амалга оширилди.

— Хориж инвесторларига 25 фоиз акциялар пакетининг сотувга қўйилиши — бу инвестицияларни усуналар шаклида жалб этишга кўмаклашади, — таъкидлади Ш. Умаров. — Ҳозирда «Картхил» компанияси корхонамизнинг молиявий имкониятларини ўрганмоқда. «Ўзбек қоғози» маҳсулотлари Марказий Осиё ва Европа мамлакатларига экспорт қилинапти.

БЕКОБОД ТУМАНИ

Вилоятда энг кўп галла етиштирадиган Бекобод тумани деҳқонлари давлатга галла сотиш режасини биринчилар қатори уддалади.

13440 гектар майдонда мўл дон ҳосили етиштирган бекободликлар ўрим-йиғимга ҳам вилоятда биринчи бўлиб киришдилар. Ўрим қизғин паллага кирган кезларда кунига 23 та «Кейс» ва 20 та «Нива» ҳамда «Енисей» комбайни узлуксиз ишлади. Шу кунгача 550-650 гектардан галла ўриб-янчишга эришган Даврон Эргашев, Абдурашид Курбонов, Худойберди Шамсиев сингари тажрибали операторлар туман бўйича ўрим суръатининг юқори бўлишини таъминладилар.

Иш ана шундай пухта ташкил этилганлиги туфайли кечаги кунгача 11431 гектар майдондаги ҳосил саранжомлаб олинди, давлатга режадаги 29880 тонна ўрнига 29985 тонна дон етказиб берилди.

ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ

Қабул пунктлари туман хўжаликларидан режадаги 26735 тонна ўрнига 26834 тонна юқори навли дон қабул қилиб олди.

Айтиш жоизки, ўртачирчиқлик галлакорлар ушбу ютукқа биринчи галда ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришдилар. Шу кунгача ўрилган майдонларда ўртача ҳосилдорлик қарийб 45 центнерданга тўғри келаяпти. Бу тумандаги барча хўжаликларда оила пудрати ва чек усулида иш юритиш мукамал йўлга қўйилганлиги шарофатидир.

Ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан олиб борган Охунбоев номли, «Қорасув» ширкат хўжаликлари, Тошкент Давлат аграр университетининг тажриба хўжалиги галлакорлари туманнинг умумий хирмонига баракали ҳисса қўшди. «Кейс» операторларидан Нуриддин Абдиев ва Ходихўжа Орипов шу кунгача 1500-2000 тонна донни ўриб-янчиб бериб, комбайнчилар орасида энг юқори натижага эришдилар. Қолган 5000 гектардан зиёд майдонда ўрим давом эттирилмоқда.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

Туман галлакорлари давлатга дон топшириш режасини вилоятда иккинчи бўлиб бажардилар.

Кечаги кунгача қабул пунктларига 8035 тонна ўрнига, 8091 тонна сифатли дон топширилди. Шартнома режасининг 13 иш кунда бажарилишида мавжуд тўртта «Кейс» ҳамда 15 та «Нива», «Енисей» комбайнларининг қувватидан самарали фойдаланилгани ҳал қилувчи роль ўйнади.

Ўрим-йиғимда пешқадамлик қилган «Дўрмон» ширкат хўжалиги туман хирмонига 953 тонна, «Бураота» хўжалиги 934 тонна, «Маданият» хўжалиги 933 тонна галласи билан салмоқли ҳисса қўшди. Мусамхамедов номли хўжалиқдан Отабек Юсупов, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигидан Шерали Алимқулов, «Истиқлол» хўжалигидан Равшаной Танашова, «Турон» хўжалигидан Комил Очилов сингари пудратчилар гектардан 59-64 центнердан хирмон кўтардилар.

Галлазорларда ҳали ҳосилнинг учдан бир қисми турибди. Ўрим-йиғим қизғин давом эттирилмоқда.

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

Шу йилнинг 4-7 июль кунлари ГФР иқтисодий ва технология федерал вазирлиги давлат котиби Аксел Герлах бошчилигида германиялик ишбилармон доиралари вакиллари мамлакатимизга ташиф буюришди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг халқаро бизнес марказида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Германия бизнес семинарида ушбу мамлакатнинг йирик компания ва банклари вакиллари, шунингдек, мамлакатимиз вазирлик, уюшма, компания мутасаддилари иштирок этишди. Бизнес семинарда икки тарафлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари кўриб чиқилди.

«Туркистон-пресс».

АЁЛ МАЪНАВИЯТИ

юқори бўлган жамият барқарор ривожланади

Адиба АҲМАДЖОНОВА,

Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси

Адиба Аҳмаджонова 1979 йили Тошкент Давлат педагогика, 1987 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтларини битирган. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент. Тошкент Давлат аграр университетида лаборатория мудири, доцент, декан, кафедра мудири, проректор бўлган. Қибрай туман

деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, «Ўзметасабзавотузум-саноатхолдинг» компанияси интенсив технологиялар ва қишлоқ хўжалик бошқармаларига раҳбарлик қилган. 2001 йилдан — Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси



Хар тонг бизни мамлакатимиз миллий мустақиллигининг ўн бир йиллиги нишонланадиган кунларга яқинлаштирмоқда.

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқиб, суверен Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳам-жамияти даврасига ўзига хос йўл

билан дадил кириб боргани сари биз миллий истиқлол неъматларидан тобора тўла баҳраманд бўлмоқдамиз. Мамлакатимизда

янгича сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шаклланиб, демократик фуқаролик (Давоми 3-бетда).

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга эътибор тобора кучаймоқда. Иқтисодийликнинг келажоги бўлган мулкчиликнинг бу соҳасини юксалтиришга қаратилган янги-янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда, кўплаб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республика тижорат банклари ва бошқа кредит институтлари уларнинг энг ишончли кўмақдошлари бўлиб бормоқдалар, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини кредитлашни кўллаб-қувватлаш дастурида иштираётган билан бу соҳа ривожига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Лекин, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда, уларга хориж инвестицияларини киритиш, кредитлаш ва молиялаштиришда муаммолар ҳам йўқ эмас. Шу ҳақда айрим фикр-мулоҳазаларни баён қилмоқчимиз.

Тадбиркорларга молиявий ёрдам тизими тобора такомиллашиб бораётганига қарамай, ҳали у етарли даражада ривожланмаган. Бу соҳадаги муаммоларнинг бири тадбиркорларнинг валютада олган кредитлари ва уларнинг фоизларини қатъий валютада қайтаришлари шарт қилиб қўйилганидир. Кўпгина лойиҳалар асосан, ички бозордаги талабни қондиришга мўлжалланади. Одатда шу муаммолар туфайли тадбиркорлар валютада кредит олишмайди. Амалдаги тартибга мувофиқ бундай ишлаб чиқаришларни барпо этиш учун валюта берилмайди. Уни олиш учун эса, ҳар бир тадбиркор ўз маҳсулотини четга экспорт қилиши, валюта ишлаб топши ва кредитни у билан тўлаши шарт. Олинган кредит ҳисобига хориждан сотиб олинаётган ускуна учун гаровни нотариал тасдиқлаш ҳам аниқ йўлга қўйилмаган.

БИЗНЕС РИВОЖИ УЧУН НИМАЛАР КЕРАК?

Бундай кўринишдаги иқтисодий ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш тизими етарли шакллантирилмаган. Республикада бу соҳада тажрибага эга бўлган нотариуслар етишмайди.

Жиддий муаммолардан яна бири ишбилармонларнинг оддий маблагда кредит олиши билан боғлиқдир. Кредитлаш бўйича бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишига қарамастан, ҳозир ҳам кўпгина тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнесга кредит бериш тизимида камчиликлар, чалкашликлар мавжуд. Экспертлардан ўтиш ва кредит олиш масаласи корхона учун жуда мураккаб юмушга айланиб қолмоқда.

Кредит олувчи кредит қийматининг 120 фоизи миқдоридан гаров билан таъминланган бўлиши лозим. Шундагина кредит берилди. Тадбиркорларда эса, банк кредитларини олиш учун гаров таъминоти етишмаслиги ҳам мумкин. Чет элдаги илгор тажрибани ва республика тижорат банкларида етарли ҳажмда кредит ресурслари мавжудлигини, шунингдек, ушбу муаммонинг

жиддийлигини эътиборга олиб, кичик ва ўрта бизнесни кўллаб-қувватлаш бўйича давлат кафолат фонди ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Бу муаммо эса, яна бир бошқа муаммони келтириб чиқаради.

Нуқтаи назар

садга мувофиқ бўларди.

Тадбиркорликка оид меъёрий-ҳуқуқий базанинг тез-тез ўзгартириб турилиши ишбилармонларда катта ташвиш туғдириши мумкин. Уларнинг айримларидан баъзи тадбиркорлар, ҳатто, беҳабар қолишмоқда. Шунинг учун солиқлар, йиғимлар, божхона тўловлари, бюджетга тўловларнинг ўзгаришига доир ҳужжатлар қабул қилинганидан сўнг камида тўрт ой ўтгач, амалга ошиши назарда тутилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу давр ичида тадбиркорлар мазкур ҳужжатлар билан ҳар томонлама чуқур танишиб чиқишга ва келгуси даврдаги ишларини шу асосда қайта режалаштиришга улградилар.

Хулоса шуки, кичик ва ўрта бизнесни кредитлашнинг амалдаги механизми, меъёрий таъминоти, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича тадбиркорларни кўллаб-қувватлашнинг ташкилий шакл ва усулларини такомиллаштириш, тадбиркорларга амалий маслаҳатлари билан ёрдам бера олувчи кучли мутахассисларга эга ташкилотларни шакллантириш ва уларни ишга тушириш керак. Шунингдек, тижорат банклари кичик ва ўрта корхоналарни кредитлашдан манфаатдорлигини рағбатлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш ва ўзаро кредитлаш жамиятларини ташкил этиш орқали хусусий тадбиркорликни маблаг билан таъминловчи бошқа молиявий институтларни барпо қилиш лозим. Бу республикада кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантиришга олиб келади.

Мурод ОТАЖОНОВ,
Тошкент Молия институтининг учинчи курс талабаси.

Бундан ташқари муаммолар ҳуқуқий-ташкilotчилик ишларида ҳам юзага келаяпти. Бу кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятига кўп сонли ва тафтиш идораларининг ҳуда-беҳуда аралашилари мутахассислар фикрича, назорат ва тафтиш қилувчи идоралар сони ва уларнинг фаолиятини қисқартириш зарур. Чунки уларнинг кўпчилиги сабабли тадбиркор тузилмаси фаолиятини бошқариш ўрнига ҳисобот ва тушунтириш хатлари ёзиш билан шуғулланишга мажбур бўлиб қолмоқда. Бундай идоралар лозим бўлганда кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятига оид маълумотларни солиқ идоралари орқали олишса мақ-

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик

Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида "Ижтимоий ҳамкорлик - уни амалга ошириш воситалари, тажриба ва истиқболлари" мавзусидаги амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда нодавлат нотижорат ташкилотлар, давлат муассасалари, бизнес тузилмалар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати нодавлат жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратмоқда, улар фаолигини оширишга кўмаклашмоқда. Парламентнинг сўнгги сессияси давомида ижтимоий ҳамкорлик масалаларини қонунчилик орқали тартибга солиш тақлиф этилди.

Ўзбекистонда мавжуд тажрибадан келиб чиқиб ва халқаро ютуқларга суянган ҳолда тадбир қатнашчилари давлат, бизнес ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқалар билан боғлиқ муаммоларни муҳокама этиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, улар ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқди.

Ў.А.

"MADE IN UZBEKISTAN" Интернет лойиҳаси тақдироти

Ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини жаҳон бозорларида Интернет тармоғи орқали сотиш имкониятига эга бўлди.

"Made in Uzbekistan" (UzExport.com) янги лойиҳаси уларга бу ишни ортиқча чикимсиз амалга оширишга ёрдам беради. Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида мазкур лойиҳа тақдироти бўлиб ўтди. "Made in Uzbekistan" порталининг яратилиши Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Германиянинг техник ҳамкорлик жамияти (GTZ) билан ҳамкорлиги натижасидир. Техник ишлар GTZнинг ташкилий ва молиявий кўмағида SAIPRO компанияси томонидан амалга оширилди.

(Ў.А.)

Ташаббус

ТАДБИР ДАВОМ ЭТАДИ

Илгари хабар берганимиздек, ўтган йил охирида Ангренда «Энг обод корхона», «Энг обод маҳалла» ва «Энг обод ўқув юрти» шиори остида кўрик-танлов бошланган эди. Республикада мустақиллигининг ўн бир йиллигига бағишланган бу тадбирда кўпчилик саноат корхоналари, маҳаллалар ва ўқув юртлари фаол қатнашиб, кенг кўламдаги ободлаштириш ишларини амалга оширишди.

Куни кеча кўрик-танлов якунланиб, ғолиблар аниқланди. «Резина-техника» акциядорлик жамияти, «Саноатқалинқоғозсавдо» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг саноат корхоналари жамоалари ўртасида ободлаштириш бўйича энг яхши натижаларга эришганликлари қайд этилди. «Нуробод» фуқаролар йиғини ва «Богисурх» маҳалласи ҳам ғолиб деб топилди. Шунингдек, ўқув юртлари орасида шахар тиббиёт ва маиший хизмат коллежлари биринчи ўринга лойиқ бўлди. Кўрик-танлов ғолиблари бўлган бу жамоаларнинг ҳар бирига 100 минг сўмдан пул мукофоти берилди.

Бундан ташқари, «Ангренлент» хусусий корхонаси, 86-сонли дўкон, «Кимёгар» ўйингоҳи ва «Гулбоғ» гузарининг ҳар бири эса, 50 минг сўмлик рағбатлантириш мукофоти билан тақдирланди. Ҳозир шахарда икки ойлик ободлаштириш тадбири қизғин давом этмоқда ва у тобора оммавий тус олаёпти.

Мунаввара ИСАҚУЛОВА.



Бўка туманидаги Фаффор Азаматов номли хўжалик марказида иккинчи жаҳон уришида ҳалок бўлганлар ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилганлар хотирасига ёдгорлик мажмуи қад кўтарди. Хўжаликда фақат бугина эмас, бошқа бунёдкорлик ишлари ҳам амалга ошмоқда. Бундай хайрли ишларда ўймакор ус-талар Равшан Алиқулов ва Ҳасанбой Акбаровлар фаол қатнашмоқдалар.

Тургунбек
МАҲКАМОВ олган
сурат.

«ДИҚҚАТ, ПИЁДА!»

КЎЧАЛАРДАН ХАФВСИЗ ЎТАЙЛИК

Маълумки мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши асосида «Диққат, пиёда!» ойлиги ўтказилмоқда.

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида ҳам ўтаётган бу тадбирда ички ишлар идораларининг 330 ходими фаол қатнашмоқда. Улар кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда йўл ҳаракати интизомини кучайтириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари, оқибатларини таҳлил қилиб, уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ўтказишяпти. Автохўжаликларда, маҳаллаларда ва ташкилотларда тадбирнинг мақсади ва моҳиятини тарғиб қилишга эътибор кучайтирилди. Бу ишда ҳокимликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳамда жамғармаларнинг жалб қилинган 98 нафар ходимидан иборат махсус гуруҳ фаол қатнашмоқда. Ҳозиргача 118 та суҳбат ва учрашув-

лар ўтди. Пиёдалар қондабузарлигини аниқлаш мақсадида 22 та махсус тадбир амалга оширилди. Оқўрғон, Олмалик ва Бўкадаги болалар автомайдончаларида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича турли мусобақалар бўлиб ўтди.

Вилоят ҳудудидаги халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятта молик 436 километр автомобиль йўлларининг сақланиши ва техник воситалар билан жиҳозланиши текшириб чиқилди. Пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва улар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимликларга ҳамда тегишли ташкилотларга пиёдалар йўлакчасини қуриш бўйича 4 та, пиёдалар ўтиш жойини белгилаш бўйича 6 та ва йўл белгиларини ўрнатиш бўйича 3 та

тақдимнома берилди.

Тадбирлар режасининг кўпчилиги шаҳар ва туманларда тўлиқ бажарилгани натижасида вилоят автомобил йўлларида йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилга нисбатан камайишига эришилган. Жумладан, йўл-транспорт ҳодисалари 3 тага, ҳалок бўлганлар сони 5 тага камайди.

Бирок, бу муҳим тадбир ҳамма жойда ҳам уюшган ҳолда ўтказилмоқда деб бўлмайди. Айрим шаҳар ва туманларда пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари ҳамон содир этилмоқда.

Ангрен, Олмалик, Оҳангарон шаҳарларида, Янгийўл, Бўка ва Оҳангарон туманларида бу кўрсаткичлар кўтарилди. Чунки уларда «Диққат, пиёда!» тадбирини тарғиб этувчи ва аҳолини унда фаол иштирок этишга чақирувчи шиор ва алвонлар аҳоли гавжум жойларда эмас, фақат йўл-патруль хиз-



мати постларидагина кўзга ташланмоқда, холос. Маҳаллаларда тушунтириш ишлари ҳам суст.

Тадбирда эса, барча фаол қатнашиши керак. Зеро, ҳар биримизнинг саломатлигимиз хавфсизлиги ўз қўлимиздадир.

Исроилхўжа
САЙДИКАРИМОВ,
вилоят Ички ишлар
бошқармаси Йўл
ҳаракати хавфсизлиги
бошқармасининг катта
инспектори, милиция
капитани.

жамияти ўзининг беқиёс имкониятларини намойён этаётир.

Бу жараёнларда хотин-қизлар ҳаракатининг, улар янгиланаётган жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тугган ўрнининг аҳамияти ортиб бормоқда. Миллий мустақиллик хотин-қизларимизнинг давлат қурилиши, сиёсат, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги иштироки кўламли шунчалик кенгайтириб юбордики, ҳали яқин ўтмишда бу тасавурларимизга сиғмас эди. Мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб аёлларни эъозлаш, уларнинг ҳар томонлама камол топиши, миллий ўзлигини намойён этиши, ижтимоий ҳаётда кенг ва фаол иштирокининг қонунчилик асослари яратилди. Ўзбекистон Президенти Исом Каримовнинг 1995 йил 2 мартда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги сифат даражасига кўтарди.

Бугун вилоятимиз аёлларининг вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, вилоят, шаҳар ва туманларнинг халқ депутатлари кенгашларида қонун яратувчилик фаолияти билан шуғулланмоқдалар, ижро ҳокимиятининг барча бўғинларида муваффақиятли иш олиб бораётирлар.

Шу ўринда вилоятимиз хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга қўшаётган ҳиссалари салмоғини ифодаловчи айрим рақамларни келтиришни ўринли ҳисоблайман. Аёллар вилоятимиз аҳолисининг ярмини ташкил этади. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида 38,5, қишлоқ хўжалигида 55,8, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданият соҳаларида 92 мингдан зиёд хотин-қиз меҳнат қилаётир.

Иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий соҳалардаги ислохотлар аёлларимизнинг билим ва малакалари, ақлу заковатлари, қобилият ва ташаббусларини намойён қилиш учун катта-катта имкониятлар очмоқда. Шунинг билан кифояки, бугунги кунда уларнинг ўндан ортиқ нодавлат ташкилотлари юзага келди ва қизгин иш олиб бормоқда. Мамлакатимиз хотин-қизлар кўмиталарининг барча бўғинлари янги мазмун ва мавқега эга бўлди. «Аёл ва саломатлик» маркази, «Тадбиркор аёллар», «Олима» уюшмалари хотин-қизлар иқтидорини тобора мукамал рўёбга чиқармоқда.

Тадбиркорлик хотин-қизлар ҳаракати га ўзгача бир ҳушқият бағишлади, юзлаб, минглаб аёлларимиз бозор муносабатлари шароитида ўз муносиб ўринларини топиб, миллий хунармандчилик анъаналарини қайта тикламоқдалар. Шаҳар ва қишлоқларимизда уларнинг ғайрат ва ташаббуси билан тикувчилик, зардўзлик, гиламчилик, қандолатчилик корхоналари пайдо бўлаётти, юзлаб иш жойлари очилаётти. **Бўка, Куйчирчик, Чиноз, Ўртачирчик, Паркент туманларида миллий хунармандчилик ривожланяпти. Оҳангарон шаҳрида 235 хотин-қиз хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритмоқда. Биз Олмалик ва Чирчик, Янгийўл ва Қибрай, Зангиота ва Бўстонлик каби шаҳар-туманларимизда муваффақиятли иш юритаётган аёлларимиз — бизнес намойндалари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лазоқат Нуримова, Куддусия Эшонхўжаева, Шоира Рустомова, Диля Ермакова сингари тадбиркорларимиз шулар жумласидандир.**

Давлат ва турли жамғармалар бу ҳаракатни ҳар томонлама рағбатлантирмоқдалар. Хотин-қиз тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилди. Кейинги пайтда, айтилик, Янгийўл шаҳрининг тадбиркор аёллари 54,4 миллион сўм кредит олишти. Паркент туманида аҳолига маънавий хизмат кўрсатишни ривожлантиришга отланган тадбиркор Холида Мирхайитова 5 миллион сўм кредит олиб, ўз хусусий бизнес-режасини муваффақиятли амалга оширмоқда. Бекобод туманида Дилбар Йўлдошева 3 миллион сўм кредит олиб, хунармандчилик соҳасида янги иш жойлари очди. Оҳангарон шаҳрида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган Мухтарам Сайфутдинова 10 миллион сўм кредит олиб, иш кўламини кенгайтди. Бундай мисоллар кўп. Хотин-қизларимиз иқтисодий ислохот жараёнига тобора фаол киришиб бораётганлиги ниҳоятда қувончли, албатта.

Оқорида айтганимдек, мустақиллик йилларида хотин-қизлар кўмиталарининг фаолияти янги сифат даражасига кўтарилди. Бугун вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида яшаб турган хотин-қизлар ҳаётида «Аёл, оила ва жамият», «Аёл ва

ҳуқуқ», «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш», «Хотин-қизларнинг маънавий-сиёсий дунёқарашини шакллантириш», «Ёшлар билан ишлаш», «Аёл ва саломатлик» каби йўналишлар бўйича ҳаракат қилаётган ишчи гуруҳларимиз амалга ошираётган тадбирлар, ўқув ва семинарлар катта аҳамият касб этмоқда. Вилоятимизда яшаб турган барча миллат аёллари ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар даражасини янада кўтариш учун «Ҳамдўстлик» клуби ташкил этилди. Шаҳар ва туман, шаҳарча ва қишлоқлар, маҳаллаларда хотин-қизлар кўмиталарининг мавқеи кўтарилиб, улар ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ислохотларнинг, илм-фан, маданият ва маънавиятнинг муҳим-муҳим вазифаларини ҳал этишда муносиб ўрин

раши, маънавий даражаси, билими жамият учун асло бефарқ эмас. Чунки бундай опа-сингилларимиз жамиятимиз истиқболи учун ниҳоятда муҳим вазифа — фарзанд тарбияси билан шуғулланмоқдалар.

Билим, маънавият, ҳеч қачон, ўзбеклар хонадониди айниқса, диплом билан белгиланмайди. Теварак-атрофдагилар ибрати, халқимизнинг қадимий бой анъаналари ва қадриятларига асосланган ҳатти-ҳаракатлар, ёндошувлар ва ўғитлар, насихатлар тарбиясини синф хоналари ва аудиторияларда берилмайди. Айтмоқчманки, қадим-қадимдан хонадон соҳибаларининг оиладаги мавқеи, бола тарбияси ва рўзгордаги нуфузи ўзгача бўлган. Ва, айти шу жиҳатлар меҳнатни юксак

АЁЛ МАЪНАВИЯТИ



эгаллаб бормоқдалар.

Биз «Қарияларни қадрлаш йили» вилоят дастурини бажара бориб, ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган момоларимиз тақдирини нисолида ёшларни тарбиялашни кучайтирмоқдамиз. Мактаблар, коллежлар, институтлар, маҳаллаларда кекса авлод вакиллари билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирилди.

Лекин мустақил тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида биз кескин воз келишимиз лозим бўлган тамойиллар пайдо бўлиб бораётганлиги ҳам сир эмас. Гоҳида ҳаётни, воқеа-ҳодисаларни фақат заррин бўёқларда кўриш истаги устунлик қилиб қолади. Кўпчилик раҳбарларда фақат муваффақиятларимизни кўз-кўз қилиш иштиёқи ҳамон кучли. Гарчи камчиликлар ва муаммолар тилга олинганда ҳам масала чуқур мулоҳаза ва таҳлил қилинмайди, улар ҳаспўшланиб, тағил-елпи санаб ўтилади. Ахир, Президентимизнинг каттакич давралардаги гапларини, танқидий фикр йўналишлари ва мантиқий ҳулосаларини бир эслайлик. Шундай экан, нега куйи бўғин раҳбарлари камчиликларни элласмасликка уринишади?

Бу касалликдан ҳалос бўлиб олмасак, вазифаларни теран англаб, мақсад сари дадил ва самарали илгарилар олмаймиз. Шу маънода хотин-қизлар ҳаракати бир назар ташлаб кўрайлик. Бугун жамиятимизни кемираётган, унинг олға томон ҳаракатига, иқтисодий-иқтисодий ривожига жиддий тўғаноқларга айланиб бораётган салбий ҳолатларнинг аксарияти кўп жиҳатдан аёлларимизнинг маънавиятига, билим ва иқтидорига, салоҳиятига боғлиқ. Шу боис биз хотин-қизларнинг дунёқарашини ўзгартириб, маънавий савиясини кўтариб, ҳуқуқий маданиятини юксалтириб, улар ҳаётининг иқтисодий-ижтимоий даражасини кўтариб бормас эканмиз, кўзланган натижаларга эриша олмаймиз. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, аёл ва оила, уларнинг жамиятдаги ўрнини белгилловчи йўналишда олиб бориладиган ишларга устуворлик бағишламоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бунда аёлнинг ўзини ўзи, иш кунини, меҳнатини ташкил этиши ниҳоятда муҳим. Бу аёлларимиз барча қатламлари — ишлаб турган, ижтимоий фаол ёки уй бекаларимиз учун ҳам сув билан ҳаводек зарур. Маълум сабабларга кўра бугун ишламай уйда ўтирган аёл дунёқа-

қадрловчи, Ватан тушунчаси юқори, фахм-фаросатли ва идрокли, гурурли фарзандларни вояга етказишда алоҳида ўрин тутган.

Сир эмас, баъзи аёллар амал ва топиш-тутишни пеш қилиб, оилада устунлик учун курашадиган бўлиб боришмоқда. Бундай ҳатти-ҳаракатлар ҳеч қачон яхшиликка олиб бормайди. Аллоҳ яратган бу ҳаётда, шу жумладан, оилада ҳам ҳар жинсининг ўз ўрни белгиланган. Оилада эркекнинг ўрни, мавқеи бўлиши керак. Борди-ю, аёлнинг топиш-тутиши яхши бўлса, бу эркекнинг оиладаги даражасига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Бойлик, топиш-тутиш даражасига алмаштириб бўлмайдиган фазилатлар, қадриятлар бор ҳаётимизда.

Бошқача айтганда, нотинч, муносабатда алдам-қалдамлик кучайган оила, тўлиқ бўлмаган оила, бекасида фарзандга меҳр-фақат сусайган оила — жамиятдаги салбий ҳолатларнинг манбаидир. Акс ҳолда собитсиз фарзандлар қаерда вояга етмоқда? Жиноятчиликка, нашавандликка мойиллик, енгил-елпи ҳаётга интилиш нега кучайиб бормоқда? Чидамсизлик, бетоқатлик, қийинчиликлар олдида эсанқираб, ўз жонига қасд қилиш илдиэлари айти шу оиладаги тарбияга, аёлнинг оиладаги ҳатти-ҳаракати ва ибратига боғлиқ эмасми? Халқимиз беқорга: «Нима эксанг, шуни ўрасан», «Етти ўйлаб, бир сўзла» ва ёки «Онанига қараб — боласи» демайди-ку?

Мен бу жиҳатларга урғу бераётганимнинг боиси хотин-қизлар кўмиталаримиз, тарбия ва таълим, ҳуқуқ-тартибот идораларимиз биргаликда шуғулланадиган жиҳатларнинг кўламли ва чуқурлигини таъкидлаш, ҳолос.

Яна бир жиҳат муҳим. Ўзaro муносабатларда, раҳбару оддий инсон ҳатти-ҳаракатида, муомаласида юзакичилик бўлмас. Лекин оилавий тотувлик, ишлаб чиқариш ва жамоат ишидаги муваффақият меҳр-адолат ва принципиал талабчанлик узвийлигини тақазо этишини ҳам унутмаслик керак. Фақат биринчи жиҳатга устунлик бериб орттирилган обрў сохта бўлади. Иккинчисининг ёлғиз ўзи ҳам ютуқларга қанот бўлолмайди. Дўқ-пўлиса, дағдаға оилада ҳам, жамоада ҳам салбий муҳитни, ҳадик, гарозини кучайтиради.

Раҳбарлик лавозимларига кўтарилган баъзи аёлларимиз бироз ишлаб муваффақият тўлқинига тушиб, ўзлари-ўзларига селвар бўлиб, теварак-атрофни, ҳаёт му-

аммоларини, одамлар нафсониятини эътиборга олмай қўйишади. Бу ҳам маънавий қашшоқлик ҳосиласи, албатта.

Шулардан келиб чиқиб, баъзи хулосаларни чиқариш ҳам мумкин. Эътироф этаман, бугунги кунда хотин-қизлар кўмиталари, бошқа нодавлат бирлашмалар ва жамғармалар фаолиятида тадбирдорлик тенденцияси кучайиб кетди. Ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда у ёки бу тадбирнинг ролини инкор этмаган ҳолда биз тарбиявий ишда янги шакллари излашимиз даркор. Мақсад — аҳолининг барча қатламлари давраларига кириб борилик, халқ ичида ишлайлик, одамлар дардини эшитайлик. Сир эмас, у ёки бу тадбирга асосан фаоллар, топармон-тутармон хонадонларнинг вакиллари йғилишади. Кам таъминланган хонадонлар, ногиронлар, кексаларимизнинг асосий қисми уларга ҳамиша ҳам қатнашолмайди.

Шуни ҳисобга олиб, вилоят хотин-қизлар кўмитаси «Меҳр-мурувват» гуруҳини ташкил этди. Унинг теварагида «Соғлом авлод учун», «Наврўз», «Нуроний», «Болалар», «Экосан», «Маҳалла» жамғармалари, «Оила», «Аёл ва саломатлик», «Маънавият ва маърифат» марказлари, Қизил ярим ой жамияти, таълим ва соғлиқни сақлаш бошқармаларининг кучайрати ва имкониятлари жамланди. Гуруҳ аъзолари хотин-қизларнинг турмуш тарзи билан та-

нишиб, аниқланган камчиликларга жойида ечим топиш, вилоят бўйича ҳал қилинадиган муаммоларни умумлаштириб, улар юзасидан тегишли тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар. Меҳр-мурувват гуруҳи Пскент, Оққўрғон, Ўртачирчик туманлари ва Чирчиқ шаҳрида бўлиб, ижтимоий муҳофазалаш, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия соҳаларидаги муаммолар ҳал этилишига сезиларли таъсир кўрсатди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлимининг кўчма тиббий-ижтимоий «Амбуланс»и шифокорлари жойларда хотин-қизларни тиббий кўриқдан ўтказишди.

Шу муносабат билан мен жамоатчилик фаолиятида ҳам, давлат бошқарувида ҳам изчилликка эришиш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайман. Фаолиятда изчиллик бўлмаса, бошланган яхши-яхши ишлар тезда унутилади. Изчиллик бўлмаса, қонунлар, фармонлар, қарорлар ижроси таъминланмай, узук-юлуқ қолиб кетади. Бу эса, ҳаётда адолатсизлик, қонун бузилишлари ва жиноятчилик кўпайишига, диний ақида-парастлик кучайишига олиб келади. Яхши-яхши режалар охиригача рўёбга чиқмайди. Бундай ҳолат оқибатда иқтисодий-иқтисодий ҳаётда ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Биз баъзан фақат утуқлар ҳақида гапириб, ҳаётимизда илдиэ отиб бораётган иллатларни яширишга ҳаракат қиламиз. Киши ўз жонига қасд қилса, жиноятчилик йўлига кирса, айниқса, ёшлар ўртасида гийҳандлик кўчайса, нега гапирмаймиз, уларнинг илдиэларига назар ташлаб, омилларини йўқ қилмаймиз. Бу борада умумий гапдан қочиш, ҳар бир ҳолатни рўй-рост таҳлил қилиш, ҳулоса чиқариш даркор.

Яна бир хулоса — аёл раҳбар маънавий баркамоллик, бағрикенглик тимсоли бўлиши керак. Майда-чуйда нарсалардан юқори тура оладиган, фикр-мулоҳазалари кенг қамровли раҳбар одамларни ўз атрофига қовуштира олади. Раҳбарлиқни масъулият деб қабул қилиш — яхши фазилат, кишини қоқилтирмайди. Раҳбарнинг теварак-атрофдагиларга муомаласи, меҳнати беминнат бўлса, у ҳеч қачон обрў-эътибордан қолмайди. Кўзи оч раҳбар на ишни йўлга қўйди, на жамоадагиларнинг кўнглини ола билади. Меҳнати миннатсиз бўлиб, ҳамиша янги-янги режалар, ғояларни рўёбга чиқариш йўлида ёниб-қуйиб ишласа, одамлар эргашади.

Биз аёллар билан маънавий тарбияни мана шу тамойиллар асосида йўлга қўйиб, янги-янги маънавий нарсалардан ташаббускор, воқеа-ҳодисаларга муносабатда билимдон, оилада ва жамоат ишида нуфузли бир авлодни тарбияламоқдамиз. Бу авлод аждодларнинг қадриятларига, истиқлол байроғига садоқат билан хизмат қилиб, мустақилликни мустақамлашга тобора салмоқли ҳисса қўша бошлади. Биз келгусида хотин-қизларнинг маънавий-маърифий тарбиясини янада чуқурлаштиришни, айниқса, уйда ўтирган аёллар учун ташкил этиладиган тадбирлар кўламини кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз. Аёлларнинг маънавий баркамоллиги кўтарилгани сари жамият ривожига тўғаноқ бўлаётган иллатлар барҳам топиб, янги, демократик фуқаролик жамияти ўзининг барча имкониятларини намойён этиб бораверади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Dushanba

8

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Бухоро»
9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Тўртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар
10.05 «Дала ҳовли». Бадий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
11.55, 13.55 ТВ анонс.
«Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:

12.05 1. «Шоирлар - болаларга». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Талабалик йилларим».
14.35 Эстрада тароналари.
14.55 Кундузги сеанс: «Жонли камалак». Бадий фильм.
16.00, 16.55 ТВ клип.
16.10 «Қалб гавҳари».
16.30 «Ифтихор».
17.05 «Покахонтас». Мультсериал премьераси.
18.10 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Каратэ - менинг ҳаётим». Премьера.
18.35 «Олтин мерос».
18.45 «Мулк».
19.00 «Қарз». Теленовелла.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон» канали тақдим этади: Ю. Усмонова. Концертдан сўнг.
21.50 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
22.20 «Спорт, спорт, спорт».
22.35 «Борже узуги». Телесериал.
23.25 «Ахборот - дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

Профилактика муносаби билан душанба, 8 июл кун «Ёшлар» телеканал

кўрсатувлари соат 14.55 да бошланади.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.50 Мусиқий лаҳзалар.
16.00 «Давр» ҳафта ичида.
16.30 «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадий фильм.
17.45 Кўҳна оҳанглар.
17.55 Спорт ҳафтанома.
18.10 «Янги авлод» почтаси.
18.30 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Муҳаббат бурч.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар

20.55 «Эсмeральда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 26-қисм.
17.55, 19.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.15, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги

йўлида».
19.30 «Авто-news».
19.45 «Камалак».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.35 «ТВ плюс».
22.40 Кинонигоҳ «Чарли трубадан салом».
23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.20 «Биз жазданмиз». Кинокомедия.
20.00 «Время».
20.35 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.
21.25 «ТВ-4да Немис тўлкини».
21.45 Кинематограф. «Муҳаббат сиювлари».

Бадий фильм.
23.25 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.35 — «Телехамкор».
18.00 «Барон исмли». Драма.
19.00 «30-канал» киноқшоми: «Икки ўртоқ».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона», мусиқий дастур.
21.30 «30-канал» киноқшоми: «Блозлар оиласи ҳимоя остида».
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

Seshanba

9

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Кўсув дарёси бўйлаб», «Тошлар тилга кирганда».
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар
10.05 «Мулк».
10.20 Болалар учун фильм. «Бахт гуллари». 1, 2, 3 қисмлар.
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Париси бор уй».
12.35 «Спорт, спорт, спорт».
12.50 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
13.50 ТВ клип.

14.10 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
14.30 «Кўшиғимиз Сизга армугон».
14.55 Кундузги сеанс: «Одам бўлмади». Бадий фильм.
«Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
16.30 «Покахонтас». Мультсериал премьераси.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Куйла, ёшлигим».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.20 «Ўзбекистон» ашула

ва рақс ансамблининг концерти.
21.50 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Тарих кўзгуси». 1-қисм.
22.45 ТВ клип.
22.55 «Ахборот - дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 ТВ-саҳнат.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмeральда». Телесериал.
10.50 Жараён.
11.05 Жаҳон жугрофияси.
11.55 Ёшлар овози.
12.15 Болалар экрани: «Бэмбининг болалиги».
13.25 Кўҳна оҳанглар.

13.35 Интерфутбол.
15.15 ТВ-анонс.
15.25 «Тўйлар муборак». Бадий фильм.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: «Ҳар соҳага саҳнат», болалар учун концерт.
17.00 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.15 Таянч.
17.40 Ватан манзаралари.
18.00 Минг бир маслаҳат.
18.20 Автопатруль.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Кўҳна оҳанглар.
20.05 Сифат белгиси.
20.15 Марди майдон.
20.35 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмeральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Нокаут».
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45-23.50 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 27-қисм.
17.55, 19.05, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.15, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Дурдона».
19.25 «Нима учун?»
19.45 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.55 «Сиз солинган наволар». Э. Жалилова.
22.50 Кинонигоҳ «Жазо босқичи».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Фил» операцияси. Кинокомедия.
20.00 «Время».
20.35 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.25 «Нигоҳ».
21.45 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида)
21.55 Кинематограф. «Сизтдаги бедорлар». Бадий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».

9.30, 14.15 — Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Сериал.
10.40 «Жангвор санъат олами». Спорт дастури.
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Ва яна Анискин». 3-серия.
13.30 «Майами Сендс». Телесериал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал.
16.40 «Футурама». Мультсериал.
17.00 Шоу соати.
18.00 «Барон исмли». Сериал.
19.00 «30-канал» киноқшоми: «Ортиқча куч».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 «30-канал» киноқшоми: «Аҳмоқлар бали».
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

Chorshanba

10

телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Миздаҳон», «Пирим ороли».
9.20 «Асия».
9.40 «Кино оламида».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Тилсимой - ойиб қизалоқ». Бадий фильм.
11.35 «Фавкуллода 20 дақиқа».
11.55, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Баркамол авлод орзуси».
12.25 Болалар учун. «Фламинго».
12.45 «Мусиқа ва театр».
13.05 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури.
13.25 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35, 16.50 ТВ клип.
14.45 Кундузги сеанс: «Тақдир азал». Бадий фильм.
15.50 «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
16.20 «Ягона оилада».
«Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Ҳазил, ҳажв, хангома». 2. «Кувноқ шаҳарча». Телемусобақа.
18.10 «Ажаб саодат эрур». Бадий-публицистик кўрсатув.
18.30 «Умид». Телелотереяси.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Бир жуфт қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон»

Ватаним маним».
21.30 «Сиеват оламида».
21.50 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.20 «Спорт, спорт, спорт».
22.35 «ТВ-клуб».
23.00 «Ахборот - дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ҳар соҳага саҳнат», болалар учун концерт.
9.40 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.55 Давр-интервью.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмeральда». Телесериал.
10.50 Таянч.
11.15 «Жилванланмаган Африка». Хужжатли сериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 Болалар экрани:

«Бэмбининг ёшлиги».
13.30 Кўҳна оҳанглар.
13.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
14.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.15 Автопатруль.
15.35 «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадий фильм. 1-қисм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
17.05 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.20 «Учинчи сайёра-маърифий дастури».
17.50 Чемпион сирлари.
18.10 Сийрат.
18.30 Оқшом наволари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 Кўҳна оҳанглар.
19.45 Очил дастурхон.
20.00 Спортлото.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
20.45, 21.20, 22.35

Эълонлар
20.50 «Эсмeральда». Телесериал.
21.25 Ҳандалак.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 28-қисм.
17.55, 19.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 21.35, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.30 «Мушоҳада».
19.50 «Эхтиром ила».
20.30 ТТВда сериал:

«Бебилиска пул».
21.15 «Аёл қалби».
22.40 Кинонигоҳ «Ўзга сайёраликлар».
24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Муҳаббат кунлари». Бадий фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.
21.25 «Форс-мажор».
22.00 CFN тақдим этади: «Шолиннинг мовий кўллари».
22.25 «MyZone».
22.45 Кинематограф. «Гувоҳ». Бадий фильм.
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
1.00 «Тунингиз осуда

бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.15 — Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Сериал.
10.40 «Яши кайфият».
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Байрам».
13.30 «Майами Сендс». Телесериал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал.
16.40 «Футурама». Мультсериал.
17.00 Шоу соати.
18.00 «Ўртоқ бошлиқ». 1-серия.
19.00 «30-канал» киноқшоми: «Ортиқча куч-2».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 Ҳинд киноси: «Ҳар бир севувчи қалб».

Pavshanba

11

телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».
9.00 1. «Ҳазил, ҳажв, хангома». 2. «Кувноқ шаҳарча». Телемусобақа.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Отни ким эгарлайди?» Бадий фильм.
11.35 «Оламни асранг!»
11.55, 12.25 ТВ анонс.
12.05 «Ажаб саодат эрур».
12.30 «ТВ клуб».
12.55 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
13.20 «Ошин». Телесериал.
13.55 ТВ-клип

14.10 «Балли, раислар!» Телемусобақа.
15.10 Кундузги сеанс: «Болажон қиз». Бадий фильм.
16.25 «Соз сеҳри».
16.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
«Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Яшил чироқ». Телемусобақа. 2. «Бешбармоқ».
18.10 «Покахонтас». Мультсериал премьераси.
18.35 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».

18.55 «Бир жуфт қўшиқ».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулукот.
«Бозорларда тозалик ва савдо маданияти».
22.05 ТВ клип.
22.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11

йиллигига «Тарих кўзгуси».
2-қисм.
22.40 «Борже узуги». Телесериал.
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.

9.50 Тафаккур ёлқинлари.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмeральда». Телесериал.
10.50 Сийрат.
11.10 Спорт китъаси (рус тилида)
11.40 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.00 Болалар экрани: «Сеҳрли саргузашт».
13.10 Ёшлар овози.
13.30 Кўҳна оҳанглар.
13.40 Интерфутбол.
15.20 Сифат белгиси.
15.30 «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадий фильм. 2-

қисм.
16.40 Синфдош.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Ҳар соҳага саҳнат», «Ассалом, оромгоҳ»
17.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.50 Огоҳ.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот

дастури. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўна оҳанглар. 19.50 «Давр»-интервью. 20.05 Мезон. 20.25 Ёшлик навслари. 20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар 20.50 «Эсмеральда». Телесериал. 21.25 Жараён. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.40 «Мухаббат қаҳваси».

Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.55-1.00 Хайрли тун! «Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «Офисина баридан чиққан фирибгарлар». 29-қисм. 17.55, 19.05, 21.55

«Экспресс» телегазетаси. 18.15 Болажонлар экрани. 18.30, 20.00, 21.35, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Навиҳол». 19.25 «Камолот фасли». 19.50 Мусиқий лаҳзалар. 20.30 ТТВда сериал: «Бибилиска пул». 21.15 «Умр йўлдоши». 22.40 Кинонигоҳ. «Кема ортида». 00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқара» телеканал РЖТ 6.30-8.00 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Вести». 17.15 «Оилавий ришталар». Сериал. 18.15 Эдди Мерфи «Фаришта» комедиясида. 20.00 «Время». 20.35 «Рус рулеткаси». 21.25 «Соккер клуб».

21.45 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 21.55 Кинематограф. «Ой нури» агентлиги. Бадийий фильм. 23.35 «Ахборот» (рус тилида) 00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

«Телехамкор». 9.30, 14.15 Болалар соати. 10.15 «Ботирлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Иблис боласи». Сериал. 12.00 «Иккига қўён ортидан қувиб». 13.30 «Яго зулмат эқтироси». 1-серия. 15.00 Кундузги киносеанс: «Магдаленанинг сокин эқтирослари». Сериал. 16.40 «Симпсонлар». Мультсериал.

17.00 «Шоу соати». 18.00 «Ўртоқ бошлик». Сериал. 19.00 «30-канал» киноқшоми: «Хавфли зона». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастури. 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Астронавт рафикаси». 23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

JUMA «Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси». 9.00 1. «Яшил чироқ». Телемусобақа. 2. «Бешбармоқ». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 Тв-театр. «Инқиқнинг муҳаббати». 11.30 «Ўзалининг намоён қил». Экранда - Қашқадарё тили юлти. 11.50, 16.00 ТВ клип. 12.05 «Йиллар ва йўллар». 12.25, 13.55 ТВ анонс. 12.30 «Шахризданинг янги эртаги». Бадийий фильм. 1-қисм. 13.35 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».

14.10 «Шахризданинг янги эртаги». Бадийий фильм. 2-қисм. 15.10 «Китоб жавонингизга». 15.30 «Олам». Телеальманах. 16.05 «Моҳият». 16.25 «Озод юрт одамлари». Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси». 16.40 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 17.40 «Нурли манзиллар». 18.10 «Ёшлик шиддати». Спорт дастури. 18.30 «Тиббиёт одимлари». 18.40 «Бир жуфт қўшиқ». 18.50 «Тафсилот». 19.05 «Зиё» студияси намоёиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 «Ватан мадҳи». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Соғлом она - соғлом бола». 21.25 ТВ клип. 21.35 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси. 22.05 «Олтин бешик». 22.35 «Спорт, спорт, спорт». 22.50 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 23.10 «Ахборот - дайжест». 23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Хар соҳага саёҳат». «Ассалом, оромгоҳ!» 9.40 «Кундуз амакининг хижоялари». Мультсериал. 18.30 Далил ва шарҳ. 18.40 Оқшом навалари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўна оҳанглар. 19.50 Аскар мактублари. 20.10 Азизим. 20.35 Севги тароналари. 20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар

20.55 «Эсмеральда». Телесериал. 21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 00.05 «Давр». Ахборот дастури. 00.20-00.25 Хайрли тун!

«Халқара» телеканал РЖТ 6.30-8.00 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Вести». 17.15 «Оилавий ришталар». Сериал. 18.20 «Хўжжати детектив». 19.00 «Мўъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.35 «Дурдаршан». 20.50 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида». 21.10 «ТВ-4да мусиқа». 21.25 Кинонинг олтин асри: «Аноий». Бадийий фильм. 22.30 «Ахборот» (рус тилида) 23.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

«Телехамкор». 9.30, 14.25 — Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Сўхбатдош». Дам олиш дастури. 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Кадони хамма билди». Киноповесть. 13.30 «Яго зулмат эқтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эқтирослари». Сериал. 16.40 «Симпсонлар». Мультсериал. 18.00 «Ўртоқ бошлик». Сериал. 19.00 «30-канал»да ринг қироллари. 19.45 Елена Степаненко шоуси. 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастури. 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Отелло». Трагедия. 23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

SHANBA «Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси». 9.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 10.00 «Зиё» студияси намоёиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида». 10.20, 12.00 ТВ анонс. 10.25 «Алибобо ва қирқ қароқчи». Мультфильм. 10.55 «Олтин бешик». 11.25 «Дунё эшиқлари очилди бизга». 11.45 «Нафосат гулшани». 12.05 «Интерклуб». 12.50 «Леопольднинг саргузаштлари». Мультфильм. 14.00 «Маърифат». Телеальманах.

14.20 ТВ-1 кинотеатри: «Сехри сурат». Бадийий фильм. 15.45 «Ягона оилада». Адабий жараён: 16.15 1. «Ёзуви ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Дунё адабиёти». 16.55 «Миттвойлар оиласи». Кинокўрсатув. 17.15 «Бахтимизга омон бўлинг». Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси». 17.35 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу. 18.35 «Кредит: муаммо ва ечимлар». 18.55 «Пазандалик сирлари». 19.05 ТВ клип. 19.10 «Ўзбек ипаги». Телефильм. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот». 21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди». 21.25 «Шанба оқшомида». Тунги ёғду. Дам олиш дастури. 22.00 «Катта бойлик дардида». Бадийий фильм. 1-қисм. 23.00 «Ахборот-дайжест». 23.35 «Катта бойлик дардида». Бадийий фильм. 2-қисм. 00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?» 9.20 Болалар клуби. 9.40 Табобат оламида. 10.00 Огоҳ. 10.15 Мусиқий лаҳзалар. 10.25 «Эсмеральда». Телесериал. 10.55 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби. 11.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 12.25 «Жоли Леско». Телесериал. 16-қисм. 13.15 Ёшлар овози.

22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.40 Тунги тароналар. 22.55 «Гаройиб шаҳар». Бадийий фильм. 00.30-00.35 Хайрли тун! «Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Мультчархалак». 17.40 «Жаҳон географияси». 18.25, 19.50, 21.20 «Экспресс» телегазетаси. 18.45 «Мисли гавҳар». 19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус) 19.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 19.40 «ТТВда мусиқа». 20.10 «Нима учун?» 20.30 «Табриқлаймиз-куллаймиз». 21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача. 21.40 Кинонигоҳ. «Рам ва Лақсан». 00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқара» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусиқа». 9.10 Е. Петросьянининг «Кулгу панорамаси». 9.45 «Лаззат». 10.05 «Машхурлар». 10.35 «CFI янгиликлари». 10.45 «Ишбилармон кишилар». 11.05 «Инглиз тили Сиз учун». 11.30 «Кўнги кўнгила пайванд». 11.55 «Фан-тайм». 12.05 Дўстлик видеоканали: «Немис шарҳи», «Умид», «Чинсис». 13.5-13.35 «Немис тили».

1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30 «Малика Сиси». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Тавистнинг қувноқ оиласи». Телесериал. 12.00 Оилавий кино. «Араб саргузаштлари». 13.40 Бокс ишқибозлари учун. 14.30 Ҳинд киноси: «Йўлдан оздирувчи». 16.40 «Яширин камера билан». Юмор дастури. 17.00 «Ўз ўйини». Телешоу. 18.10 «30-канал» киноқшоми: «Севимли Марслик дўстим». 19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастури. 20.00 «Вовочка». Сериал. 21.00 «Уни Никита деб атардилар». Сериал. 21.55 «30-канал» киноқшоми: «Конформист». 23.30 «Доринома». Сериал.

YAKSHANBA «Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастури. 9.10 «Гаройибот». 9.30 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она меҳри». 11.20, 15.55 ТВ анонс. 11.25 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа. 11.55 «Кўна замин оҳанглари». 12.15 «Пазандалик сирлари». Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»: 12.25 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу. 13.25 ТВ-1 кинотеатри: «Унта негр боласи».

Бадийий фильм. 1-қисм. 14.25 «Қалб гавҳари». 14.45 ТВ клип. 14.55 «Унта негр боласи». Бадийий фильм. 2-қисм. 16.00 Каратэ бўйича халқара турнир. 16.20 «Қорақалпоқнома». 16.45 «Куйла, ёшлигим». Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»: 17.05 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тоқ». Телевизион ўйин. 18.05 «Талабалик йилларим». 18.25 «Туртинчи ҳокимият». 18.45 «Оқ олтин». Телелотерея. 19.15 ТВ клип. 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 Эстрада тароналари. 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».

«Якшанба кинозали»: 21.45 «Жаҳон киноси юлдузлари». 22.05 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Анқов». Бадийий фильм. 23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Кичкинтой экрани». 9.25 Футбол плюс. 9.45 Давр-интервью. 10.00 Мусиқий лаҳзалар. 10.10 «Зинама-зина». 10.40 Очил дастурхон. 10.55 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Нокаут». 11.20 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари. 12.00 «Адоқсиз йўл». Бадийий фильм. 13.30 Оҳанрабо. 14.05 Кишлоқдаги тенгдошим.

«Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами». 18.55, 20.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси. 19.15 «Жаҳон географияси». 20.00 «Телефакт». 20.30 «Табриқлаймиз-куллаймиз». 21.00 «Хамшаҳарлар». 21.20 «Ташриф». 21.40 «Спорт-клуб». 22.20 Кинонигоҳ. «Севги қиссаси». 1-2 сериялар. 00.50-00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқара» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусиқа». 9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Хамма уйдалигида». 10.05 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.

11.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 11.45 «Парле ву франсе?» 12.10 Болалар соати: «Болалар дунёси». Бадийий фильм. 13.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 13.50 «Лего ленд». Болалар учун телеўйин. 14.20-15.20. «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар», «Ўзбекистон умумий ўйимиз». 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Мультсеанс». 17.25 CF1 тақдим этади: «Бешикчи ўлчов». 17.50 Николас Кейдж «Фаришталар шаҳри» фильмида. 19.35 «Тенгдошлар». 20.05 «Мюзик холл». 20.30 «7 кун». Ҳафта якунлари. 20.55 Кинематограф. «Уч мушкетер: миледи қасоси». Бадийий фильм. 22.30 «Тахлилнома». 23.05 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.35 Телехамкор. 9.30 «Малика Сиси». Мультсериал. 10.00 Фильм - болаларга. 12.00 Оилавий кино. «Мен сизга энди ҳеч қанон ишонмайман». 13.40 «Баффи». Сериал. 14.30 Кундузги кинозал: «Ғилдиракли тамаддиона». 16.10 «30-канал»да қизиқарли учрашувлар. 17.00 «Ўз ўйини». 18.10 «30-канал» киноқшоми: «ДМБ». Комедия. 19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастури. 20.00 «Агентлик». Сериал. 21.00 «Уни Никита деб атардилар». Сериал. 21.55 Якшанба киноқшоми: «Қутқарувчи». 23.30 «Доринома». Сериал. 24.00 Спорт шарҳи.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

ТАШАББУСЛАР СЎНМАСИН

Куйичирчиқ тумани маркази — Дўстобод шаҳрида Қарияларни қадрлаш йилида яна бир саҳоватли иш амалга оширилди. Бу ерда ёлғиз яшовчи қариялар ва боқувчисини йўқотган кексаларга «Саховат» жамоатчилиги маркази қуриб берилди.

Хамма қулайликларга эга бўлган ушбу масканни бунёд этишда Норбўта Маменов раҳбарлигидаги хусусий корхона азаматлари ғайрат кўрсатишди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан мазкур марказ бир ойдаёқ эгаларига топширилди. Шунингдек, тумандаги қатор фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар ҳам бу савоб ишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Марказда фитобар, тиббий кўрик хонаси, ошхона ва дам олиш хоналари мавжуд. У ерда бир пайтнинг ўзиде ўн нафар отахон ва онахон даволаниши мумкин. Туман марказий шифохонасидан юборилган тажрибали шифокорлар ҳар куни эрталаб даволанувчиларни тиббий кўриқдан ўтказадилар. Ёши катта одамларда учрайдиган бод, қон босими, дармонсизлик хасталиқларига қарши муолажалар белгилайдилар. Зарур дори-дармонлар билан эса, марказий шифохона қошидаги дорихона таъминламоқда.

— Ҳар бир инсон кексалиқда ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги керак, — дейди

марказ раҳбари Шоира Ортиқова. — Ёши улуг кишиларга қанчалик ғамхўрлик кўрсатсак, келажақда ёш авлоддан бизга ундан зиёда яхшилик қайтади. Отахон ва онахонлар марказимизда кўнгилдагидек дам олишлари учун хамма шароит муҳайё этилган. Айниқса, уларнинг овқатланишига кўпроқ эътибор бераёلمиз. Нонуштага ширин чой, сут ва сут маҳсулотлари, тушлиқда икки хил иссиқ овқат тортиляпти. Марказни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин-

лашни «Ҳожиакбар» ҳамда «Ойбек-А» фермер хўжалиқлари раҳбарлари Хамза Хуббадиев ва Жўра Отабоев ўз зиммасига олган.

Замонавий жиҳозлар билан безатилган хоналарни кўриб, қарияларга кўрсатилган муруватдан қалбингиз қувонча тўлади. Ҳар бир дам олиш хонасига телевизор ва магнитофон қўйилган. Бир чеккада ўтирган онахонлар радиодан таралаётган куйни тинглаганча оҳиста суҳбатлашадилар. У томондаги ўриндикларга жойлашган отахонлар эса, шахмат ўйини билан банд.

— Одам тафтини одам олади, — дейди Александр Сиров. — Шериклар билан

тезда иноқлашиб кетдик. Мана, бир ҳафтадирки, туғишганлардек иноқ яшаймиз. Ўзбек, рус, украин, қозоқ биродарлар гурунглашиб, куннинг кеч бўлганини билмай қоламиз. Даволаниш ва дам олишимиз учун хамма нарса етарли. Бунинг учун давлатимиз раҳбариятига мингдан-миг раҳмат.

— Юртбошимиздан, қолаверса, шундай кошонани ихтиёримизга топшириб қўйган саховатпеша инсонлардан чексиз миннатдоримиз, — дея суҳбатни давом эттиради 74 ёшли онахон Миннисауя Зиёдинова. — Кечаю кундуз уларнинг дуосидамиз. Бу ерга келиб ёлғизлигимизни ҳам унутдик.

Дарвоқе, ушбу «Саховат» марказида ҳар ўн беш кунда ўн нафар кекса тиникиб ором олиб, саломатлигини яхшилаш имкониятига эга. Демак, шу йилнинг ўзиде 150 нафарга яқин отахон ва онахон келиб, даволаниши мумкин. Шу ўринда бу хайрли ишда Куйичирчиқ тумани ҳокимлиги раҳбарларининг саъй-ҳаракати, ишни тезлаштиришда кўрсатган ёрдами алоҳида таъкидлаш жоиз. Шундай ташаббуслар сўнмасин.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

СУРАТДА: «Саховат» жамоатчилиги маркази дам олувчиларидан бир гуруҳи.

Еркибой БОТИРОВ олган сурат.



Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 январдаги Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи "Умид" жамғармаси, Ташки ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Британия кенгаши ҳамкорлигида пойтахтимизда шу номдаги университет очилди.

Халқаро Вестминстер университети очилди

Жаҳон таълим стандартлари талаблари асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг қобилиятини тўлароқ намойён этиш, ривожланган давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилган мазкур университетда "Иқтисодиёт", "Бизнес бошқаруви", "Ахборот технологиялари", "Ҳуқуқ" йўналишлари бўйича мутахассислар ўқитилади.

Тошкент Халқаро Вестминстер университетида дастлаб бакалаврият доирасида махсус диплолга эга бўлган мутахассислар тайёрланади. Кейинги босқичда магистратурада юқори малакали илмий ходимлар тайёрлаш ҳам мўлжалланган.

Янги университетга кириш учун ҳужжат топшириш Банк-моллия академияси биносида шу йил 6 июлгача давом этади. Тест синовлари 8-12 июль кунлари Британия кенгаши мутахассислари иштирокида ўтказилади. Ўқиш 1 октябрдан бошланади.

Хулқар СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

МУЗЕЙ ХОНАЛАРИДАГИ САБОҚ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти биносида «Шонли Ватан тарихи» музейи иш бошлади. Унда «Ватанпарвар» ташкилотининг тарихига оид ҳужжатлар ўз аксини топган.

Ўтган қисқа давр мобайнида бу ерга мазкур ташкилотнинг вилоят бўлимлари вакиллари, марказий кенгаш

қошидаги малака ошириш курсларида таҳсил олаётган мутахассислар, шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилояти-

даги автомактаблар курсантлари ташриф буюрмоқдалар. Бу эса, бўлажак Ватан ҳимоячилари курсантларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Sport

ЭПЧИЛЛИК, МЕРГАНЛИК, ШИЖОАТ

Намойиши Тошкент денгизи бўйига тўпланган минглаб ишқибозларда катта таассурот қолдирди.

Бу ерда спортнинг амалий кўпкураш турлари бўйича Ўзбекистон шахсий-жамоа биринчилиги бўлиб ўтди. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши ўртачирчиқ туман мудофаа ташкилоти базасида ташкил этган бу мусобақаларда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг кўпкураш усталари ва жамоалари куч синашдилар.

Қизғин кураш билан ўтган беллашувлар натижасида Самарқанд вилояти вакиллари умумжамоалар ўртасида биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин — Тошкент шаҳри, учинчи ўрин эса — Сурхондарё вилояти жамоаларига насиб этди.

Ўз мухбиримиз.



МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИ - ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Тошкент вилоятида "Футболимиз келажаги" — болалар ва ўсмирлар турнирини ўтказиш аънанага айланиб бормоқда. Айни кунда мусобақаларнинг шаҳар ва туман босқичлари бўлиб ўтди.

Вилоят оқсоқоллар кенгаши ҳамда "Маҳалла" жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган мусобақаларда уч гуруҳга бўлинган (9-11 ёшлилар, 12-14 ёшлилар ҳамда 15-16 ёшлилар) 716 жамоа иштирок этмоқда.

Оққўрғон туманида болалар ва ўсмирлар футбол жамоаларини шакллантиришда "Бирлик", "Уста Нормат", Собир Раҳимов номидаги маҳалла кўмиталари, айниқса фаоллик кўрсатди. Улар ҳомийларни жалб этиб, ўз футбол жамоаларини спорт кийимлари, футбол тўпи ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлади.

"Уста Нормат" маҳалласининг ёш футболчилар жамоа-

си бултур Фарғонада ўтказилган республика биринчилигида учинчи ўринни қўлга киритган эди. Оққўрғонликлар бу йил ана шу муваффақиятни янада мустаҳкамлаш — биринчи ўринни қўлга киритиш ниятида.

Ёзги таътилни мароқли ўтказиш, ўқувчиларни жисмонан ва руҳан тетик қилиб тарбиялашга хизмат қилувчи "Футболимиз келажаги" турнирини ўтказишда маҳалла кўмиталарига туман ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, спорт кўмитаси ёрдам бермоқда.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Оила — жамият кўзгуси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида "Никоҳ, қариндошлик ва ирсий алоқалар муаммолари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Олий Мажлис депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари ҳамда муассасаларнинг раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Уни Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси ўтказди.

Мазкур комиссия раиси Ш.Салимова бошқарган анжуманда мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оила, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш, оналик ва болалик манфаатларини ижтимоий муҳофаза этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, бу борада улкан ишлар амалга ошириляётгани таъкидланди.


Анжуманда оила бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш, оила-никоҳ муносабатларининг соғлом насл тарбиясидаги ўрни, қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатлари, ёшларни никоҳгача тиббий кўриқдан ўтказишнинг зарурияти, ирсий касалликлар ва уларнинг ёш авлодга таъсири, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби муаммоларга эътибор қаратилди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

(ЎЗА).

Xalq va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng so'nggi xabarlar



АРАБ ДУНЁСИ — ЯҚИН ЙИГИРМА ЙИЛ ИЧИДА

Араб аҳолишуносларининг БМТ ҳомийлигида ўтказган тадқиқотларидан маълум бўлишича, яқин йигирма йил ичида араб дунёси аҳолиси 280 миллиондан 400 миллионга кўпаяр экан. Араб давлатлари лигасининг Миср пойтахти Қоҳирада жойлашган қароргоҳида куни кеча муҳокама қилинган ушбу масала арабистонлик олимларнинг аҳолишунослик бўйича ўтказган илқ тадқиқотидир.

Ҳўш, араб дунёси нуфусининг бу қадар жадал кўпайиши аҳоли турмуш фаровонлигига қай даражада таъсир кўрсатмоқда? Мутахассисларни ўйлантираётган муаммо ана шу. Ҳозирги кунда арабларнинг 65 фоизи саводсиз. 10 миллион нафар бола мактабга бормади. Ишсизлик эса аёллар ҳиссага лаёқатли аҳолининг 15 фоизини ташкил этади. Таассуфки, бу рақам жаҳондаги энг юқори кўрсаткич, дейилади ҳисоботда.

Тадқиқотчилар минтақада аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари борасида ҳам ташвиш билдирмоқда. Ҳисоботда айтилишича, араб аёлларининг қарийб 50 фоизи ёзишни ҳам, ўқишни ҳам билмайди. Шундай экан, саводи чикмаган аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўришга ҳам ожиз. Минтақа давлатларининг парламентида эса аёллар ҳиссага атиги 3,5 фоизни ташкил этади. Шунданми, тадқиқотчилар, араб дунёси эллик фоиз аҳолисининг ишлаб чиқариш ва ижодкорлик имкониятларини ишга солмапти, деб хулоса чиқармоқда.

Шу ўринда араб дунёсида учраётган бундай камчиликларга ҳукуматлар бефарқ қараётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки араб давлатлари ўзининг ялпи ички маҳсулотидан атиги 0,5 фоизини илмий тадқиқотларга сарфлайди. Бу кўрсаткич, масалан, Кубада 1,26, Японияда эса 2,9 фоизни ташкил этади. Араб мамлакатларидаги яна бир камчилик сиёсий эркинлик етарли эмаслигидир, ҳукумат сиёсатининг аҳоли учун етарли даражада ошкор эмаслигидир, дейди тадқиқотчилар. Қатор араб давлатларида матбуот умуман эркин эмас.

Эътироф этиш керакки, тадқиқот натижалари осмондан олиб ёзилгани йўқ. Тадқиқотчилар сайёрамизнинг бир неча минтақаси - Африка, Жанубий ва Шарқий Осиё, Лотин Америкаси, Европа, Океания, Шимолий Америка ҳамда Араб мамлакатларидаги кўрсаткичларни солиштириш натижасида шундай хулосага келди.

Гарчи мазкур ҳисобот қандайдир режалар амалга ошишига бевосита ёрдам бермаса-да, араб дунёсидаги муаммолар чуқур тадқиқ қилинганини кўрсатиб турибди. Яъни, бу ҳисоботни араб дунёсига ўзини ўнглаш учун яна бир тавсия ва таклиф сифатида қарамоқ керак.

ЎН БЕШ КУНДА АЙЛАНИБ ЧИҚДИ

Гиннесс рекордлар китобида яна бир ном пайдо бўлди. Эллик саккиз яшар америкалик тадбиркор Стив Фоссетт бундан ўн етти йил муқаддам - 1985 йили Ла-Манш бўғозидан сузиб ўтгач, сайёрамизни ҳаво шарида айланиб чиқиш ҳаракатига тушди. Бироқ у мазкур режани олтинчи уринишдагина амалга оширди.

Саёҳат Австралиядан бошланиб Африка, Жанубий Америка, Ҳинд ва Тинч океани орқали яна Австралияда интиҳо топти. Жами йигирма саккиз минг километр масофадан иборат узлуксиз парвоз ўн беш кун деганда якунланди. Ҳаво сайёҳи бошқарувидаги «Спирит оф Фридем» - «Озодлик руҳи» деб аталган ҳаво шари замонавий техника билан тўлиқ жиҳозлангани боис соатига 196 километргача тезликда йўл босди.



Испания.

Шарҳловчи минбари

АФРИКА ҚАЧОН РИВОЖЛАНАДИ?

Жанубий Африка Республикасида қитъа тарихидаги илқ бизнес-саммит бўлиб ўтмоқда. Дурбан шаҳрида уч кун давом этадиган тадбирда Африкани анчадан буён ташвишга солиб келаётган муаммолар кўриб чиқилади.

Саммит Африка Иттифоқи деб номланган янги минтақавий ташкилотнинг биринчи учрашувидир. Ушбу ташкилот расман 9 июль куни очилади. Унга қадар африкалик ишбилармонлар режаларини тайёрлаб кўйиши лозим.

Қитъа тарихида шовшувлли воқеа деб баҳоланётган саммитда иштирок этиш учун Африка мамлакатларининг йирик тадбиркорлари йиғилди. Уларнинг мақсади минтақада иқтисодий интеграцияни

жадаллаштириш ҳамда мамлакатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва шу йўл билан мавжуд муаммоларга ечим топишдир.

Жанубий Африка Республикаси савдо ва саноат вазири Алек Эрвиннинг айтишича, иштирокчилар томонидан Африкани ривожлантириш бўйича янги ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилган. Эндиги масала уни ҳаётга жорий қилишдир.

Африка сайёрамизнинг энг иссиқ қитъаси. Лекин у табиий бойликлар, жум-

ладан, кўмир, олтин ва бошқа қимматбаҳо металлларга бой ҳудуд. Иш кучи масаласида эса ишбилармонларнинг кўнгли тўқ. Чунки қитъада иш кучи етарли ҳамда аксарият африкаликларнинг меҳнатда суяги қотган.

Ишбилармонлар дастлабки учрашувдаёқ қитъа табиий ресурсларининг таъминоти муаммоларга ечим топилишига умид боғламоқда. Зимбабве, Малави, Замбия, Ботсвана, Намибия ва яна қатор мамлакатларда қашшоқлик ва табиий офатлар туфайли очарчилик авжига чиққан. БМТ маълумотларига қараганда, жорий йилнинг ўзидаёқ қитъада 15 миллионга яқин одам очарчилик туфайли ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Африкада бу муаммони бартараф этиш учун уч миллион тонна озиқ-овқат керак бўлади. Шу боис бизнес-саммит иштирокчилари озиқ-овқат танқислигини қандай ҳал этиш ҳақида бош қотирмоқда. Муаммони бартараф қилиш учун эса жаҳоннинг бой мамлакатлари ёрдам бериши керак. Африка муаммосини ҳал этишда жаҳондаги етакчи халқор ташкилотлар ҳам донорлик қилиш ниятини билдирмоқда.

Африка бирдамлиги ташкилотининг янги кўриниши бўлмиш Африка Иттифоқи Европа Иттифоқи ва муқосясадир. Бироқ, муҳими бу эмас. Ташкилот қандай номланашидан қатъий назар, Африка ҳамжамияти ёрдами тегадиган ташкилотдан нажот кутмоқда.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Турфа олам

ХИЗМАТИ АНТИҚА

Швециялик Эльфрида Карлсон ғайритабиий касб эгаси, у уйларда рўйхатдан ўтказмай боқилаётган итларни топиш билан шуғулланади. Швецияда жорий қилинган тартибга мувофиқ, бундай итлар, албатта, рўйхатдан ўтиши ва унинг эгалари белгиланган солиқни тўлаб туришлари лозим.

Эльфрида хонадонлар бўйлаб айланиб юриб, у ёки бу уйнинг эшиги ёнида итчасига вовуллади. У бу жониворлардан йигирма турининг вовуллашини билади. Уй ичкарасидан қарши вовуллашни эшитгач, хонадоннинг манзилгоҳини ёзиб олади ва дарҳол солиқ идорасига маълум қилади. У ҳоқимликда шу лавозимда ишлайди. Солиқ хизмати эса хазинани тўлдиришга ёрдам бераётган бу хизмат эгасига мўмай маош тўлайди.



СОВРИНЛАРИ ФАҚАТ ЛАШЛУШЛАР

Америкалик Дорис Горжентал турли хил мусобақалар ва танловларда фаол катнашади. Мана шу ишқибозлик туфайли у уч йил мобайнида анча нарсалик бўлиб қолди. Ютиб олган буюмлари сони 237 тага етди. Бироқ, уларнинг бирортаси ҳам унга керак эмас. Шунинг учун, улардан қутулиш йўлини топа олмай, боши қотган. Унинг ютуқлари орасида гольф ўйнаш учун клюшка, қуёш батареясида ишлайдиган печка, таом тайёрлаш учун 20 та миксер ва бошқалар бор. Энди Дорис фақат лашлушларни ютишидан шикоят қиладиган бўлиб қолди.

ШОКОЛАДЛИ ВАННА ОЛАСИЗМИ?

Пенсилванияда очилган «Харши» меҳмонхонаси шоколадни севувчилар учун қойилмақом жой. Бу ердаги хоналарда шоколад ҳидини тарқатувчи шамлар ёниб туради, идишларда эса какаонинг сут билан аралашмаси тўлдирилган. Мижозлар 265 доллар тўлаб «шоколадли жараён» номи билан аталадиган уч соатлик муолажада иштирок этишлари мумкин. Бунда суюқ шоколадли ванна оладилар, сўнгра ўқаланадилар — мижозларнинг энг омабоп эрмаклари эса, иссиқ какаодан тайёрланган йигирма беш дақиқали (хар бир дақиқаси 41 доллар) ваннадир.



БИРОР ШТАТНИ СОТИБ ОЛИШМОҚЧИ

Араб шайхлари АҚШ штатларидан бирини сотиб олишга мойиллик билдиришмоқда. Ниятларига етмасалар Америкага жўнатилаётган нефтни тўхтатиб қўйишни писанда қилишяпти.

Мультимиллионерларнинг шартлари бўйича бу штат катта, Айова ёки Айдахо штатларига ўхшаб, саҳроси лочинлар билан ов қилиш учун яроқли бўлиши лозим. Зеро, шайхлар бундай овни жуда хуш кўришади.

Агар америкаликлар бу таклифни қабул қилишмаса, саудиялик араблар яна бир таклиф билан чиқишмоқчи. Улар штатлардан бирини 99 йил муддат билан ижарага олишни ва унинг аҳолисига муносиб турмуш тарзи яратиб беришни ваъда қилишяпти.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Турфа олам

«КИЧКИНТОЙ»ДА МАРОҚЛИ КУНЛАР

Зангиота туманидаги 14-ўрта мактабда фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси вилоят ва туман кўмиталари ҳомийлигида «Кичкинтой» болалар оромгоҳи фаолият кўрсатаяпти.

Унинг тўртта гуруҳида 100 нафар бола ҳордиқ чиқармоқда. Атроф мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари ҳам дам олдириляпти. Уларга уч маҳал иссиқ овқат ва бошқа турли шарт-шароитлар яра-

тиб берилган. — Кичкинтойлар ёзги мавсумни мазмунли ўтказишлари учун Болалар ва ўсмирлар ижодий маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими турли хил қизиқарли тадбир ва му-

Болалар ёзи

собақалар ўтказиб, совға-саломлар улашди, — дейди оромгоҳ раҳбари Наргиза Ҳасанова. — Бундан ташқари «Қўғирчоқ» ва Ёш томошабинлар театрлари санъаткорлари ҳам болаларга қизиқарли томошалар кўрсатишди.

Куни кеча оромгоҳ болалари Тошкент шаҳар ҳайвонот боғида бўлиб, баайни эртақлар дунёсига саёҳат қилгандек бўлишди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

Bolalik bog'i

BOG'DA

Ayni sahar chog'ida,
Do'smatlarning bog'ida.
Uchar edi bir qushcha,
Uning nomi kakkucha.
Kakku qarab Do'smatga,
Nelardir so'ylar edi.
Do'stin tilin tushunmay,
Do'smat xo'p o'ylar edi.
Olib jajji ketmonin,
Do'smat bog'da ishlardi.
Kakku esa sho'x sayrab,
Do'stin ko'nglin xushlardi.



Abdusamad YUNUSOV.

Даволаниш учун — Германияга

Ўсишдан орқада қолган ва марказий асаб тизими фаолияти бузилган 19 нафар бола яқин вақт ичида Германиянинг Оберхаузен ва Дюссельдорф шаҳарларида жойлашган энг яхши клиникаларга даволаниш ҳамда соғлигини тиклаш учун юборилади.

Бу тадбир "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Германиянинг "Лис вилех интернейшнл" инсонпарварлик ташкилоти билан тузилган узоқ муддатли шартнома ни амалга ошириш борасидаги дастлабки қадамдир. "Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви раиси О.Мусурмонова мазкур ҳужжатни имзолаш маросимида Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ оналик ва болаликни муҳофаза қилишни яхшилашга доир режалар ҳамда кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустақамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам бу борадаги ишларни фаоллаштиришга қаратилган. Мазкур вазирлик амалга оширишда "Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳам иштирок этмоқда ва бу ишга ўзининг ҳорижий шерикларини жалб қилмоқда.

ЎЗА.

Янги нашр

Тиб илмига оид Китоб

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида "IX-XI асрларда кимё ва доришunosлик фанлари тараққиётида Марказий Осиё олимларининг ўрни" деб номланган китоб чоп этилди. Уни Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшunosлик институти олимлари нашрга тайёрлади.

— Марказий Осиёда кимё, тиб ва доришunosлик азалдан тараққий этган соҳалардан биридир, — деди мазкур институт директори, академик Музаффар Хайруллаев ЎЗА мухбирига. — Қадимдаёқ олимларнинг изчил изланишлари натижасида илмий кимё ва табобатта асос солинганди. Лекин табиий фанлар орасида шарқ кимёси тарихи кам ўрганилган. Бу жабҳада чет элларда амалга оширилган ишлар ҳам асосан араб кимёсига бағишланган бўлиб, уларнинг айримларида биобиблиографик маълумотлар бериш билан чекланилган.

ЎЗА.

Дунёда ўз ҳаётини жаннатга айлантирадиган бўйдоқнинг орзусидан гаройиб ҳолат бўлмаса керак.

Талабамиз. Курсдошим Собиржонни Қўқонга — ота юртга олиб борганман. Унинг елкасида ўша биз талаба бўлган етмишинчи йиллардаги сара фотоаппарат. Худоёрхон саройини а й л а н и б

юриб ўзимизга ўхшаб етаклашиб юрган иккита киз билан т а н и ш и б қолдик. Чиройли сиракдан урди. Муқимий боғида биргалашиб расмга тушдик. Қизлар Тошкентда талаба экан. Хайрлашиш олдидан соҳибжамол менга ётоғи манзилини ёзиб берди. Кейин мулойим оҳангда: «Сурат битса, албатта олиб боринг, кутамиз» деди жилмайиб.

Шодлигимнинг чеки йўқ. Тошкентга боргач, расмни тезроқ ишланг, жон дўстим деб ҳар куни Собиржонга ялинаман. Хуллас, сурат тайёр бўлган куни кизгинининг ётоғига қўшдай учдим. Қоровул кампирга қуюқ салом бердим, тахта шоколадлардан бирини тутказиб, «67»га бир дақиқага кириб чиқишимни айтдим.

— Борақол, бояқиш! Зўрга турган экансан-да! — деди кампир мийғида кулиб.

— Қайси қаватда? — сўрадим шошиб.

— Иккинчида. Адашиб юрма, ўнг томондаги охириги эшик.

Топдим — «67» йўлак охиридаги ошхонанинг рўпарасида экан. Эшикни тақиллаттай десам юрак қурғур эл-


икки қиз менга ғалати қарашиб, хиринглашганча ўтиб кетишди. Жаҳлим чиқди. «Четдан келган поччалар кимга ёқибдики, буларга ёқсам». Мен ҳам уларга ёвқараш қилиб қўйдим. «67»дан эса ҳамон садо йўқ. Эшитишмади чоғи. У ёқ-бу ёғимни тузатган бўлдим-да, эшикни астойдил тақиллатдим.

Шу пайт бир барзанги йигит ортмдан келиб елкамга туртди. — Кирасанми?

Нима дейишимни билмай елка қисдим. У бир қўли билан мени четга сурди.

«67»нинг эшигини бир тегиб ичкарига кириб кетди. Шитоб билан ёпилган пружинали эшик нақ башарамга урилаёзди. «Ия, бу барзанги бизнинг Хонзодага ким бўлди экан? Тарбиясиз! Қизларнинг хонасига ҳам шу тахлитда кирадими? Ёки шунчалик ҳадди сиғиб... Ортидан мен ҳам бостириб кирайми? Башарамга «тамга» тушиб қолмас-чи? Унга кучим етмас-ов...» Бор-э, нима бўлса булар, дедиму мен ҳам шартта ичкарига кирдим. Не кўз билан кўрайки, «67» деганлари душ бўлиб чиқди.

Адҳам ДАМИН.



БЎЙДОҚЛИК
КУНЛАРИДАН
БИРИДА (Ҳажвия)

дан бурун дуқиллайди. Эшик ортида гўзал қиз Хонзода... Ҳали насиб этса севгимим, маҳбубам бўлади. Балки омадим чопиб бирийла бўйдоқлик ташвишидан ҳам қутуларман. Оҳ-оҳ, гўзалларнинг гўзали — Хонзодахон! Ахир, нима бўлганда ҳам, хотининг чиройли бўлгани яхши, бир умр мағрурланиб, илҳомланиб, севиб-севиб, сира чарчамай, ошиқ Фариб каби ўртаниб-ёниб яшайсан. Ҳаяжондан қўлим қалтирганча, секин «67»ни тақиллатдим. Ошхонадан чиқаётган

шарамга урилаёзди. «Ия, бу барзанги бизнинг Хонзодага ким бўлди экан? Тарбиясиз! Қизларнинг хонасига ҳам шу тахлитда кирадими? Ёки шунчалик ҳадди сиғиб... Ортидан мен ҳам бостириб кирайми? Башарамга «тамга» тушиб қолмас-чи? Унга кучим етмас-ов...» Бор-э, нима бўлса булар, дедиму мен ҳам шартта ичкарига кирдим. Не кўз билан кўрайки, «67» деганлари душ бўлиб чиқди.

ЎҒРИЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

Қандай шаклда эканлигидан қатъий назар, мулк — даҳлсиз. Уни сақлаш, кўпайтириш — жамият ва унинг аъзолари фаровонлигининг асоси. Шу боис мамлакатимизда давлат, жамоат, хусусий ёки шахсий мулкни ардоқлаш алоҳида эътиборда. Бу саъй-ҳаракатта ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида газетамиз ҳам «Кўриқчи» руқинини очаяпти. Мақсад — ўғирлик билан боғлиқ жиноятчиликка оид ахборотларни кенг жамоатчиликка тез етказиш ва шу йўл билан катта-кичик тарбиясига самарали таъсир кўрсатиш.

ШЕРЗОД ДЕВОРТЕШАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Пивони биров пулга олиб ичади, биров... Лекин Олмаликнинг Дўстлик кўчасида яшовчи Шерзод Мавлонов ярим тунда «Олмаликливо» омборига шунчаки пивоҳўрлик учун орқа деворни тешиб киргани йўқ. Омборда минг бир турдаги моддий бойликлар сақланишини

яхши биларди. Бахтга қарши «иши» ўнгидан келмади. Энди лак-лак бойликка қўл чўзганида шарақ-шуруқ товуши эшитилди. Қоронғуда билакларига «узук» тақилганини сезиб, аъзои-бадани музлаб кетди.

ТУНГИ «САВДО»

Навбатдаги топшириқни бажариб қайтаётган тезкор-ушлов гу-

руҳи Чирчиқ шаҳар Парк кўчасидан ўтиб бораётиб, «Беҳзод» хусусий фирмасига қарашли дўкон ичида икки киши юрганини пайқаб қолди.

— Қани, кўрайлик-чи, бу тунги шарпаларни, — деди гуруҳ сардори милиция сержанти Хусан Хонов.

Милиция кичик сержантлари Дилшод Муталипов билан Фаррух Мирраимов машинадан тушиб, дўконга яқинлашишди. Шубҳали шахсларнинг бири Жамол Абдувалиев кўлига ток қайчи билан пичоқ олиб қаршилиқ кўрсатиш мақсадида кичик сержант Ф. Мирраимов томон шахт билан юрди. Огоҳлантириш фойда бермагач, қатъийроқ чора кўришга тўғри келди. Шериғи Ҳамид Аҳмедов ҳам қўлга олин-

Кўриқчи

ди. Терговни Чирчиқ шаҳар прокуратураси олиб бормоқда.

ОВ БАРОРИДАН КЕЛМАДИ

«Ўзметкомбинат» ишчиси Саижиддин Ҳикматовнинг уйига ўғри тушди. Эшикни бузиб кирган ўғри умумий қиймати 40 минг сўмлик электр ўлчачиқ билан газ колонкасини ўмариб кетганди. Тезкорқидирув ишлари жараёнида бу ўғирлиқни ҳеч қаерда ишламайдиган Шухрат Маткаримов содир этганлиги аниқланиб, ашёвий далиллар билан ушланди. Беқобод ички ишлар бўлими терговчилари қолган тафсилотларни аниқлашмоқда.

С. ЖУМАНИЕЗОВ.

Тошкент шаҳар Шайхонтоқур туманидаги 192-умумтаълим мактаби томонидан 2001 йилда Жаҳонгир Абдулазизович Абдуразаков номига берилган O'R-Z 0907075 рақамли таянч маълумот ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКБОР ҚИЛИНАДИ.

Олмалик шаҳридаги ДОО-1 (1-ёғочни қайта ишлаш корхонаси) банкрот деб эътироф этилиши муносабати билан, 2002 йил 12 июль, соғат 11да Олмалик шаҳар ДСИ биносида кредиторлар йиғилиши ўтказилди. Барча кредиторлар келиши шарт.

Манзил: Олмалик шаҳри, Приткулова кўчаси, 4/2.

Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси жамоаси Бўка тумани ҳоими муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси Қўтбинисо Хайдаровага падари бузуқворни

Зайиддин ХАЙДАРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Телефонлар: 133-40-48, 136-57-27.
Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 8 рақам билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифалонди.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.